



**ПРАГМАТИК АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАН СОҲАСИ СИФАТИДА:  
мутолаа феноменологияси:**

*Эшқобилов Абдували Казакович,  
ф.ф.ф.д. (PhD) СамДЧТИ*

*Калим сўзлар: прагматик адабиётшунослик, матн прагматикаси, мутолаа феноменологияси, бадиий реценциялар, ҳикоячилик прагматикаси.*

Ўзбекистонда ижтимоий гуманитар фанлар соҳасининг узвий таркибий қисми бўлган филология фанлари борасида аксарият янгича изланишлар, янгиликлар, ўзига хос новаторлик сўнгги йилларда кўпроқ тилшунослик-лингвистикага оид бўлмоқда. Эътироф этиш жоизки, назаримизда, тилшунослар эришган ютуқлар, уларнинг илмий кашфиётлари адабиётшунослар томонидан нисбатан сустроқ идрок этилмоқда. Бунинг оқибатида бир фаннинг икки тармоғи вакиллари томонидан амалга ош ирилган тадқиқотлар орасида узилиш, бўшлиқ пайдо бўлиб қолаётгандек гўё. Лингвистика илгарилаб кетиб, адабиётшунослик замонавий назарияларни идрок этишда, талқин қилишда иккиланиб жойида туриб қолаётгандек туюлади. Ваҳоланки, тил ва адабиёт бир соҳанинг ўрганиш объекти, шу сабабли ҳам илмий тадқиқотлар жараёни ўзаро боғлиқ тарзда, узвий кечмоғи шарт. Юртимизда адабиётшунослик соҳасида амалга оширилган кўпдан-кўп тадқиқотлар орасида бадиий прагматикага оид ишларнинг деярли йўқлиги (битта-иккита мақола инobatга олинмаганда), прагматик лингвистика олий таълим тизимида алоҳида мустақил фан сифатида ўқитила бошланганига ўн йиллар бўлишига қарамай [1], прагматик адабиётшунослик тўғрисида, ҳатто, тушунчалар тўлиқ шаклланмаганлиги юқоридаги фикрларимизни далиллайди ҳамда бу йўналишда жиддий изланишлар заруратини тақозо қилади.

Айтилганидек, прагматика филология соҳасининг алоҳида мустақил бўлими сифатида дастлаб тилшуносликда шаклланди. Прагматика тилшуносликнинг

нисбатан янгидан шаклланган, инсоннинг нутқ фаолиятини ўрганишга, бундай фаолиятнинг мақсади, мазмуни, ушбу мақсад ва мазмуннинг оғзаки ҳамда ёзма матнда вербал ва невербал ифодаланиш воситаларини, уларнинг нутқ актидаги ўрнини, коммуникатив таъсирини, сўзловчи ва тингловчи нутқдаги турлича муносабатларни лисоний белгиларда ифодаланишини ўрганувчи фан тармоғидир. Лисоний белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги назариялар қачондан бери мавжуд, аммо, лисоний ҳодисаларни ўрганишга нисбатан прагматик ёндашув XX асрнинг 60-70-йилларидан бошлаб жадал ривожлана бошлаб, бугунги кунга келиб алоҳида фан тармоғига айланган бўлса-да, ҳозиргача “илмий мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда” [2].

Прагматика фанининг шаклланишининг илк босқичлари XIX аср охири ва XX аср бошларидаги Ч. Пирс, У. Джеймс, Д.Дьюи, Ч. Моррис каби олимларнинг фалсафий концепцияларига асосланади. Дастлаб прагматика тушунчаси лисоний вазият структурасини-таркибини (сўзловчи ва тингловчи муносабатлари сифатида) динамик процессуал аспектда ўрганишга бағишланган семиотик илмий тадқиқотларда қўлланила бошланди ва «прагматика» атамаси илмий тадқиқотлар назариясига америкалик олим Чарльз Моррис томонидан киритилди. У С.Пирснинг бу борадаги қарашларини янада ривожлантириб семиотикани лисоний белгиларни ўрганувчи фан сифатида уч бўлимга: лисоний белгиларнинг ўзаро муносабатини ўрганувчи синтактика, лисоний



белгиларнинг объектларга муносабатини ўрганувчи семантика ва тил белгиларининг сўзловчи ва тингловчи муносабатларини ўрганувчи прагматикага бўлиб ўрганиш ғоясини илгари сурди. Булар тўғрисида прагматик лингвистикага оид тегишли адабиётлардан кўплаб маълумотларни олиш мумкин...

Шу тарзда Ғарб тилшунослигида, кейинчалик ўзбек тилшунослигида ҳам прагматиканинг лингвистик фан сифатида ажралиб чиқиши билан бир қаторда, хорижда сўз санъати - бадиий адабиёт борасидаги изланишлар аста-секинлик билан прагматик адабиётшунослик томон ҳам қадам ташлади. *Прагматик адабиётшунослик* соҳасининг ўзига хос *предмети сифатида матннинг ўзидаги муайян усуллар ва фигуралар тизимида ва реал мутолаа амалиётида воқеланадиган бадиий мулоқот-коммуникация* (таъкидлар бизники – А.Э.) хизмат қилади.

Прагматик адабиётшуносликни бадиий прагматика ва матн прагматикаси каби бадиий асар ва муайян матн доирасидаги прагматик таҳлил масалалари билан шуғулланиш кабилардан фарқлаш керак. Зеро, прагматик адабиётшунослик алоҳида фан соҳаси ҳисобланса, бадиий прагматика эса матннинг лисоний хоссасини англатиб, матннинг прагматик таҳлилида контекст доирасидаги умумий ва хусусий маъноларни ўрганадиган соҳадир. Улар ўртасидаги алоқадорликни рад этиб бўлмайди, аммо, шу билан бирга мавжуд фарқни ҳам англаш муҳимдир.

Рус олимларининг фикрларига кўра, адабий матн ва унинг адресанти ўртасидаги муносабатларни ўрганиш сўнгги йилларда энг кўп “топталган ёлғизоёқ сўқмоққа айланди” [3]. Аммо, халқаро микёсдаги тадқиқотлар етарли даражадалиги ва ҳатто кўплигига қарамасдан, Ўзбекистонда адабиётшунослик прагматикаси алоҳида фан сифатида ўрганилмасдан эътироф этилмай келинаётир. Зеро, соҳага оид тадқиқотлар етарли эмас, бармоқ билан санарли. Бундан ташқари, прагматик адабиётшунослик соҳасининг шаклланиш тарихи, ўрганиш предмети ва соҳалари

ҳам ҳали-ҳамон батафсил ва яхлит тарзда баён этилмаган. Ҳолбуки, ҳозирда бадиий мулоқот ёки коммуникация прагматикаси улкан ҳажмдаги ва фанлараро рефлексиядан иборат. Шу сабабли халқаро микёсда ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида жамланган мавжуд маълумотлар асосида, прагматик адабиётшунослик фанининг таркибий қисмларини шундай соҳалар ташкил этиши эътироф қилинади [4]: 1) мутолаа феноменологияси; 2) адабий восита таъсиридаги хатти-ҳаракатларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар; 3) бадиий рецепциялар тадрижий тарихи; 4) ҳикоячиликнинг прагматик назарияси.

Прагматик адабиётшунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари ҳамда аҳамияти тўғрисида истикболда илмий асосланган мулоҳаза юритиш ва ғояларни илгари суриш учун, фаннинг санаб ўтилган соҳаларидан *биринчиси тавсифига батафсил* тўхталамиз.

*Мутолаа феноменологияси ёки бадиий идрок феноменологияси* тушунчаси, тилшунослар тили билан айтганимизда эса парадигмаси, Ғарбий Европа гуманитар тафаккурида XX асрнинг 60-йилларида – Ролан Барт (“Муаллиф ўлими”, 1968) ва Мишель Фуко (“Муаллиф нима ўзи?”, 1969) кабиларнинг машҳур асарларида назарий жиҳатдан асосланган “муаллиф ўлими” концепциясининг шаклланиши билан параллель равишда - фаол шакллана бошлайди.

Мутолаа феноменологияси борасидаги фикрларимизни давом эттиришдан олдин, прагматик ва когнитив адабиётшуносликнинг Ғарб ижтимоий маданиятшунослигида назарий асосларининг шаклланишида муҳим методолик вазифани бажарган Р.Бартнинг “муаллиф ўлими” ғояси борасидаги Ўзбекистонда тўрт-беш аввал кечган баҳсни ёдга олиш муҳим. Зеро, юртимиздаги энг нуфузли нашрлардан бўлган “Шарқ юлдузи” журнали саҳифаларида ташкил этилган ушбу баҳсда иштирок этган таниқли адабиётшунослар, таржимонлар ва



ёзувчиларнинг фикрлари, ушбу ғоянинг идроки ва талқинлари сўз санъати назарияси билан боғлиқ бугунги ҳолатни ўзида яққол акс эттирганлиги билан эътиборга молик [5].

Юртимизда Р.Барт қарашлари борасидаги баҳсни бошлаб берган таниқли ёзувчи ва адабиётшунос, ҳурматли Улуғбек Ҳамдам ушбу мавзуда бир неча қисмдан иборат мақолани ёзишининг боисларига тўхталиб, дастлаб плагиат-адабий ўғрилик, кўчирмачилик каби шармандалик борасидаги воқеаларни ҳақли равишда қоралайди. Мақоланинг интертекстуаллик назарияси ва адабий тақлид санъатига тўхталади, субъектив фикрларини баён қилади. Олим интертекстуаллик борасида Ғарб олимлари қарашларига қўшилмайди: “матн муаллифи интертекстуал ўйин проекция қилинадиган бўшлиқ деб тушунилади, матнга эса индивиднинг мақсадли фаолияти эмас, онгсиз тарзда амалга ошувчи “интертекстуал ўйин” маҳсули сифатида қаралади. Бу эса бадий ижодда индивидуалликни инкор этиб, табиий равишда “субъект ўлими” (Фуко), “автор ўлими” (Р.Барт) концепцияларига боғланади” [5]. Олимнинг бу борада ўз қарашлари изчиллик билан баён этилади, муайян концепция яратилади: “муаллифнинг пайдо бўлиши ҳам табиий жараён эди. XX асрга келиб, муаллифнинг “ўлими” ҳақида гапирар эканмиз, демак, биз бу билан инсоннинг индивидуаллашишининг барҳам топгани ҳақида бонг ураётган бўлиб чиқмаймизми?.. Наҳотки? Ахир, бу гап “кўча”даги мавжуд ҳақиқатга зид-ку!.. Ёки бу ҳол тамомила янги бир жараёндан даракми?.. Назаримда, масала шу нуқтаи назардан ҳам жиддий тадқиқ этилиши керак.” [5] У.Ҳамдам мақоласининг учинчи қисмида “муаллиф ўлими” масаласи ўз йўлида кўплаб бошқа ёндош (тақлид, кўчирмақашлик, ўхшаб қолиш, атайинлик, чалкашлик, ижодий таъсирланиш, таъсир ва тақдир, муштарак шароит ва ўхшаш ижод, анъанани давом эттириш, муштарак мавзу, мимесис ва ҳ.к.) масалаларни ҳам қамраб олар экан” уларга

ҳам тўхталиш зарур, деган фикрдан келиб чиқиб, бу ҳодисаларнинг шарҳига тўхталади, маънавий-эстетик хулосалар чиқаради. Бу хулосалар мақоланинг тўртинчи қисмида яна бир қарра мантикий чуқурлаштирилади, бойитилади. Олимнинг анъанавий ижтимоий-гуманитар адабиётшунослик позициясида туриб айтган фикрларига қўшилиш мумкин. Тўғри, ўзлари айтганларидек, баҳслашиш мумкин бўлган ўринлари ҳам йўқ эмас. Ушбу мақоладан сўнг катта баҳсга қўшилишган Н.Раҳимжонов, М.Махмудов, Ҳ.Болтабоев, Қ.Қуронов ва бошқалар ҳам ўз фикрларини баён қилишади. Бироқ, баҳс Р.Барт мақоласини асосий мақсадидан, таъбир жоиз бўлса мантиқидан анчайин четлашиб кетади. Профессор Ҳ.Болтабоев ушбу баҳсга қўшилиб, ҳақли равишда таъкидлаганларидек, “Аслида, Р.Барт мақоласи Бальзак новелласи ҳақида ҳам, интертекстуаллик ҳақида ҳам эмас... Мақола муаллифи “янги танқид” тарафдорларининг “муаллиф индивида” ҳақидаги концепциясига таяниб иш кўришларига қарши мунаққидлар диққатини бадий матн структурасига бурмоқчи бўлган. Айтиш мумкинки, мақола биз тушунган маънодан ташқарида, адибнинг...ҳозирги кунда рецептив эстетика сифатида қабул қилинаётган профессионал китобхон маҳорати ҳақидаги қарашларни қамраб олганки, “Адабиётшунослик луғати”даги талқинлар ҳам, Р.Барт мақоласи ва уни У.Ҳамдам томонидан шарҳланиши-ю бундан М.Махмудовнинг Р.Барт Бальзакни танқид қилган деб гумон қилиб айтган сўзларидан... анча йироқда” [6]. Кўрганимиздек, юртимиздаги энг етакчи устозларнинг баъзилари бадий матн талқинининг янгича назарияси талқинига нисбатан турлича ёндашадилар. Афсуски, уни яхши англаб тушунганлар ҳам, фикрларини чуқурлаштирмасдан, батафсилликдан чекланишади. Ўша баҳс иштирокчиларидан бўлган муҳтарам И.Ғафуров теранлик билан таъкидлаганлари бежиз эмас: “назарияда турғунлик, танқиднинг инқирози, амалиётда қандай натижалар



кўрсатаётганлигига ранг-баранг, бир-биридан ачинарли мисоллар келтирилади”[7]. Устоз бу фикрларини адабиётимиз ва танқидчилигимизнинг бугунги ҳолатига нисбатан айтганлар, албатта. Аммо, уни кенгроқ маънода, янги назарияларни тўғри идрок этиш, чуқур англаб замонавий миллий адабиётимиз тадқиқотларига қўллаш жиҳатларидан талқин этсак ҳам фойдадан холи бўлмайди. Зеро, Р.Барт ўша мақоласининг ўзида муаммонинг қанчалик муҳимлигини алоҳида таъкидлайди, кескин урғу беради: “Матн турли-туман маданиятлардан келиб чиққан ва ўзаро диалог, пародия, баҳс муносабатларига киришувчи кўпдан-кўп ёзув турларидан шаклланади, аммо, бу кўплик муайян бир нуқтага жамланади, бу нуқта эса яқингача таъкидланган муаллиф бўлмасдан, балки ўқувчидир. Ўқувчи – бу шундай маконки, унда матнни шакллантирувчи барча жиҳатлар охириги иқтибосгача акс этади... Шу сабабли энг янги ёзувни қандайдир гуманизм номидан қоралашга уриниш, ўзини инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси деб риёкорона кўрсатиш кулгилдир. Анъанавий-мумтоз йўналиш танқидчиларининг ўқувчи-китобхон билан ҳеч қачон ишлари бўлмаган, улар учун адабиётда фақат ёзувчи мавжуд эди... Энди биз биламиз: ёзув (бу ерда асар-А.Э.) келажакни таъминлаш учун, у ҳақидаги мифни унутиш керак – китобхоннинг туғилиши учун Муаллиф ўлими билан тавон тўлашга тўғри келяпти” [8, 390 с.].

Матн тайёр мазмун элтувчи эканлиги ҳақидаги талқинни рад этган ушбу концепция ҳосиласи бўлган бу қараш замирида, ижтимоий фанлар соҳасида китобхон-ўқувчи фигурасини барча маъноларни ўзида муъжассамлаштирган субъект ҳисобловчи нуқтаи назар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бунинг оқибатида китобхон-ўқувчи “асар вокеланишида” бевосита иштирокчига айланади. Адабий прагматиканинг бу йўналишини энг муҳим концепциялари сифатида Г.Г. Гадамернинг фалсафий герменевтикаси, немис рецептив эстетикаси (В.Изер, Г.Р.Ярус),

интерпретатив-талқин ҳамкорлигининг семиотик назарияси (У.Эко) кабилар ҳисобланади.

Китобхоннинг мазмун шакллантирувчилик фаолиятига мутолаа феноменологияси доирасида икки хил қаралади:

а) матн семантикасини ташкиллаштиришга йўналтирилган ҳаракат сифатида;

б) экзистенциал пландаги семантикани шакллантиришга йўналтирилган ҳаракат сифатида.

Агар биринчи нуқтаи назардан мазмун-маъно шакллантирувчи объект сифатида матн қаралса, иккинчиси доирасида – ўқувчининг ўз вазияти, бу вазиятнинг маъно мазмуни англашилади. Идрок этиш актида бу таркибий қисмлар (матнни тушуниш ва ўзини тушуниш) – ўқувчи онгининг интенционаллиги-бирон объектга йўналганлиги сабабли – ўзаро ўта мустаҳкам алоқага киришади. “Бироқ, рецептивистика уларни назарий рефлексиянинг турлича предметлари сифатида фарқлайди, дифференциациялайди” [4]. Ўқувчи фаолияти тўғрисидаги назарий рефлексиянинг вариантларини икки аспектда ҳам ўрганиб чиқамиз. Биринчи акт ўқувчи фаолиятини матн семантикасини ташкиллаштиришга йўналтирилган ҳаракат сифатида баён қилишни назарда тутаяди. Ушбу муаммо назарияси Г.Г. Гадамер томонидан назарий жиҳатдан ишланган бўлиб, рецепцияланиш давомида адабий асар билан *нима* содир бўлишини ҳамда ўқувчининг матн устида ишлашининг моҳияти *нимадан иборат* эканлигини ўрганиш билан боғлиқ. Бу масалалар мажмуи Р.Ингарден ва Констанция мактаби фаолиятдан бошлаб тизимли равишда ишланади. Маълумки, Ингарден ўқувчи фаолиятини лисоний материални конкретлаштирилиши сифатида тавсифлайди. Бу акт давомида ўқувчи семантик жиҳатдан мавҳум ўринларни индивидуал маъно билан тўлдиради ва бу йўл билан бадий асарнинг “схематиклигини” энгиб ўтади [4].



Немис рецептив эстетикаси намояндалари В. Изер ва Г.Р.Яруслар конкретлашувни ўқувчининг “матн стратегиясини” рўёбга чиқариши сифатида тасвирлайди. Бу стратегия матн структураси ўзида муъжассам қилган дастурий идрок этишни қамрайди. Матннинг бу хоссаси ўқувчига мўлжалланган тавсиялар тизими сифатида талқин этилиб, унга риоя этиш бадиий коммуникация муваффақиятини таъминлаши лозим. Бадиий рецепцияни бу механизмнинг илмий муаммо сифатида ишланиши XX асрнинг 60-йилларида Умберто Эко каби бир қатор тадқиқотчилар ишларида кузатилади. Унинг “Очиқ асар” ва “Ўқувчи роли” каби ишларда мутолаа китобхон-ўқувчи томонидан матннинг ўзи илгари сурадиган рецептив моделнинг воқеланиш жараёни сифатида қаралади. Бу асосий назариялар доирасида рецепция бадиий мулоқот, коммуникация ҳодисаси сифатида баён қилинади. Мазмун шаклланиши жараёнининг иккинчи аспектининг назарий жиҳатларига тўхталсак, энди бу ерда гап рецепция актида асар билан нима содир бўлишига эмас, балки рецепция актида китобхон-ўқувчининг ўзи-реципиент билан нима юз бераётганлигига тўхталинади. Бунда асар матни фаоллигининг бошқа, юқорида айтилганидан, асар ўз талқинида бевосита иштирок этишидан фарқланувчи шаклига, урғу берилади. Унга кўра, асар китобхоннинг ўзини шаклланишида, унинг субъектив оламини яратишда, онгини ривожлантиришда фаол қатнашади. Бу маънода мулоқот китобхоннинг матндан тарқалаётган “ахлоқий рефлексия талабларига” [9] жавоби сифатида қаралади. Бу рефлексия назарияси Г.Г. Гадамер томонидан илгари сурилган. Немис олими мутолаа муаммосини бевосита субъектнинг шахсий мутаносиблигини, ўзлигини шакллантириш масаласи билан боғлайди. Тушуниш механизмини баён қилар экан, олим уни “танишиш” сифатида, хусусан, бошқа шакллардан фарқли ўларок, китобхоннинг асарда ўз-ўзининг идеал

қиёфасини танишини назарда тутлади. Гадамер фикрига кўра, “санъатда тажриба ўз-ўзинг билан учрашиш имкониятига эришишни кўрсатади”: эстетик тажриба “тушуниш тажрибаси ҳамда ўз-ўзини таниш тажрибаси ўртасидаги мустақкам алоқадан” [12] иборат бўлади. Гадамернинг ушбу субъектнинг ўз-ўзини шакллантириши ҳақидаги назарияси, матннинг ўқувчига таъсирини ўрганишга йўналтирилган бир қатор концепцияларда ривожлантирилади ва улар *китобхон муносабати назарияси* деган умумий номга эга бўлади. Рецептивли фаннинг ушбу йўналишини қатор намояндалари киши онгининг мутолаа билан шартланишганлик феноменини, ўқувчи ўзини бадиий асар қахрамонига ўхшатишини назарда тутувчи “идентификациялаш” тушунчаси ёрдамида белгилашади. Шу билан бирга мутолаа жараёни китобхоннинг ўқилган асар олами билан идентификацияланиши билангина чекланмайди. Масалан, В.Изер ўзининг “Мутолаа жараёни: феноменологик ёндашув” (1972) асарида бадиий коммуникациянинг воқеланишига восита бўладиган ментал актларнинг мураккаб жамланмасини кузатар экан, шуни қайд қилади: мутолаа – китоб оламига шунчаки шўнғиш ва “оддий идрок этишга нисбатан сезиларли даражада анча мураккаб ижодий жараёндир”. Шу сабабли ҳам уни китобхон тасаввурини матн билан ўзаро ҳамкорлиги тарзида баён қилмоқ керак. Тасаввур антипация (воқеалар ривожини башорат қилиш), ретроспекция воситасида ва ниҳоят, матннинг “яхлит қиёфасини” унга изчил кетма-кетлик ва мантиқийлик бағишлаш орқали шакллантириш йўли билан амалга ошади. Бунинг оқибатида матн китобхон онгида “жонли воқелик” тарзида намоён бўлади. “Адабий матннинг гештальтини яратиш” ва “бунда хаётийга ўхшаш тасаввурнинг пайдо бўлиши” жараёни ҳар доим “китобхонни бу воқеликка жалб этиш” билан бирга кечади. Изер бу жараённи “иллюзиялар шаклланиши” деб атайди, хусусан, китобхон матнда мазмунан “бўм-бўш”



кўринган жойларни ўз тасаввурлари хисобидан “тўлдиради”.

Иллюзия-хаёлий тасаввурларнинг мутолаа актида шаклланиш жараёни Изер хаётий тажрибани ўзлаштириш жараёнига ўхшатади, бу жараён механизми бадий матн томонидан ишга туширилади. Шу сабабли олим мутолаа жараёни китобхон ўқиган нарсалари олами билан идентификациялаш-тенглаштириш тушунчалари доирасида баён қилишни рад этади. Унинг фикрича, мутолаа жараёнида идентификациялаш эмас, балки “китобхон шахсиятини сунъий ўзгартириш” содир бўлади, инентификация-тенглаштириш эса, мутолаа ҳосиласи, “ўзгалар тажрибасини ўзлаштириш” механизмнинг бир кўринишидир. “Ўқувчи томонидан бадий мазмуннинг яратилиши” ўз-ўзини яратиш, шахсиятни такомиллаштириш жараёнидан ажралмасдир: бу жараён китобхонга “ўзлигини шакллантириш” ва шахсий хаётий тажрибасини асослаш учун янгидан-янги асослар топиш имкониятини беради. В. Изер ўзининг “Der Lesevorgang” асарида шундай ёзади: “Адабиёт бизнинг ўзимизга шакллантирилмаган (матн муаллифи томонидан) нарсалар орқали шаклланиш имкониятини беради” [10, 275 с.].

Китобхон-ўқувчи шахсиятини шакллантиришда матннинг роли нимадан иборат эканлиги масаласига Поль Рекер ҳам тўхталади. Унинг концепцияси доирасида ўз шахсиятини яратишда китобхоннинг фаолияти доимо воситали кечади, яъни унга доим маданий осори атиқалар, биринчи ўринда, насрий бадий асарлар катта таъсир кўрсатади. “Ўзингни тушуниш матн олдида ўзингни тушунишни англатади ” деб ёзади П.Рикер [11, 87с.]. Ушбу назарияга мувофиқ инсон ўзини фақат насрий-ҳикоянавислик усулидаги матнлар билан алоқага киришганида тушуниши мумкин. Ёки бунга фаол англаб етиши (китобхон бўлса), ёки яратиши, насрий интригаларни ёзиши (нарратив муаллифи бўлса) орқали эришиши мумкин. Бунда Рикер ҳикоячилик фаолиятини мақсад нуқтаи

назаридан уни ҳосил қилган субъектни англашга йўналтирилган фаолият сифатида белгилайди. Ҳикоячилик фаолиятининг ҳар қандай шаклидан мақсад (хат, ҳикоя, мутолаа), Рикер фикрига кўра, доимо бир хил – унинг субъектини (муаллифини, ҳикоячини ёки ўқувчини) ўз-ўзини англашга бўлган ҳаракатдир.

П.Рикер назариясининг китобхон фаолиятига бевосита тегишли бўлган аспекти, мутолаа актида субъектнинг “мени” унга тушунарли эканлиги ҳақидаги фикрни асосий тезис сифатида таклиф этади, чунки матн ўқувчига “ўз-ўзига қандай яқинлашиши бўйича кўрсатма” “тақдим қилади”. Умуман олганда, бу кўрсатмалар ё ўқувчини қахрамонга тенглаштиришга-ўхшатирилишига, ё ундан ўқувчини узоқлаштиришга йўналтирилган. Оқибатда ўқувчи-китобхон янги хаётий тажрибага эга бўлади ва янгича амалиётга риоя қилади. Шу тарзда, Рикернинг ёзишича, адабиёт китобхоннинг хаётий тажрибасини “қайта шакллантиради” (Изер ёзганидек, ўзгалар тажрибасини ўзлаштириш жараёни фақатгина *моделлаштирмайди*). Рикер назариясининг китобхон жавоби назариясидан яна бир фарқи, ўз-ўзингни англаш – бу нафақат мутолаа “ҳосиласи” ёки “самараси”, балки унинг бевосита мақсади ҳамдир.

Шу ўринда умум эътироф этаётган прагматик адабиётшунослик фанининг таркибий қисмларидан бири бўлган *мутолаа феноменологияси* тўғрисида батафсил фикрлардан тўхталамиз. Назаримизда келтирилган далиллар прагматик адабиётшуносликнинг таркибий қисмларидан бирини илмий асослаш ва илмий жиҳатдан муҳимлигини таъкидлаш учун етарли бўлди. Қолаверса, прагматик адабиётшуносликнинг адабий восита таъсиридаги хатти-ҳаракатларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар, бадий рецепциялар тадрижий тарихи ва ҳикоячиликнинг прагматик назарияси каби таркибий қисмларига навбатдаги алоҳида мақолаларимизда тўхталганимизда мутолаа феноменологияси фикрига яна қайтамыз.



Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2018.; Ҳакимов М. Ўзбек прагмалистикаси асослари. – Т.: Akademnashr, 2013.; Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-3 жилдлар – Т.: Akademnashr, 2012. ва б.
2. Кўчибоев А. Матн прагматикаси. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2015.-123 бет.
3. Венедиктова Т.Д. Актуальная метафорика чтения: (попытка описания) // Новое лит. обозрение. 2007. № 5. С. 468–478.
4. Турышева О.Н.. Прагматический подход в литературной науке // Вестник Томского государственного университета. Филология. 2016. №1 (39)-С. 151-158<sup>1</sup>.
5. Улуғбек Ҳамдам. “Муаллиф ўлими”га сиз ҳам овоз берасизми? (ёки асл ижод соғинчи) // “Шарқ юлдузи” журнали, 2014 йил, 1-сон.-125-138 бб. Мазкур журналнинг бошқа сонларида бахслар давом эттирилган.
6. Болтабоев Ҳ. Глобализм “муаллиф ўлимига” розими? // “Шарқ юлдузи” журнали, 2014 йил, 4-сон.-80 б.
7. Фафуров И. Анъана ва аслик. // “Шарқ юлдузи” журнали, 2014 йил, 5-сон.-109 б.
8. Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. - М., 1994 - С. 384-391)
9. Ярус Г.Р. История литературы как провакация литературоведения. // Новое литературное обозрение. // 1995, - 2. С. 34–84.
10. Изер В. Процесс чтения: феноменологический подход. // Современная литературная теория: антология. / сост., пер. и примеч. И.В. Кабановой.- М., 2004. С. 201–224.
11. Рикер П. Повествовательная идентичность.- [https://www.gumer.info/bogoslov\\_Buks/Philos/Rik/pov\\_ident.php](https://www.gumer.info/bogoslov_Buks/Philos/Rik/pov_ident.php)- С. 87
12. Гадамер Г.-Г. Актуальность прекрасного. М.: Искусство, 1991. -С.255-265.

*Эшқобилов А. Прагматическое литературоведение как отрасль науки: феноменология чтения. В данной статье с научной точки зрения освещены методологические основы прагматического литературоведения как науки. В частности, уделено особое внимание предмету, объекту изучения феноменологии чтения как составной части прагматического литературоведения, и в теоретическом ракурсе обоснованы его отличия от прагматики текста.*

*Eshqobilov A. Pragmatic literature study as a branch of science: phenomenology of reading. The present article investigates methodological ground of pragmatic literature study as a branch of science. In particular, special attention is paid to phenomenology of reading, its object and theoretical interpretation of text pragmatics.*

<sup>1</sup> Барча иқтибослар таржимаси ўзимизники- Муаллиф